

# МАВЗУ: ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ ОРАСИДАГИ МУЛОҚОТНИНГ ЎЗИГА ХОС АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Артиков Жуманиёз Отабоевич,

Хоразм вилояти

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази  
«Педагогика ва психология, таълим технология-  
лари» кафедраси ўқитувчиси, психолог, хукуқшунос

Мулоқот жараёнида одамлар ўзаро фикр алмашадилар, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар ва бир-бирларини тушунадилар. Оилада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги мулоқот эр-хотин ўртасидаги мулоқотдан, ишхонада раҳбар билан ходимлар ўртасидаги мулоқот раҳбарларнинг ўзаро мулоқотидан фарқ қиласди. Табиийки мактабда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг ҳам ўзига хос психологик жиҳатлари бор.

Педагог таълим-тарбия жараёнида мулоқот маданиятини тўғри олиб бормас экан, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги тушунмовчиликлар, қийинчилликлар юзага келиши аниқ. Бу эса таълим сифатига нафақат салбий таъсир қиласди, балки педагогик низоларни ҳам келтириб чиқараishi мумкин.

Педагогик мулоқотдан мақсад қуидагиларда намоён бўлади:

1. Ўрганиш. Ўқитувчи мулоқот жараёнида ўқувчининг ички кечинмалари, ўй-хаёллари, хистутигулари, орзу-умидлари, қизиқишилари, келгусидаги режа ва мақсадларидан хабардор бўлишга интилади.

Кўпчилик инсонлар руҳшунос билан юзма-юз келиб қолишса, “мени характеримни айтиб беринг”, деб туриб олишади. Ақлли психолог эса унга, “майли, олдин сиз ўзингиз ва атрофингиздагилар ҳақида гапириб беришингиз керак”, дейди. Буни маъноси шуки, инсон ўзи ва атрофдагилар ҳақида гапириш жараёнида ўзининг қизиқишилари, қобилияtlари, уй-хаёли, одамларга бўлган муносабатини ошкор қилиб қўяди. Эскилар, “дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман”, деб бежизга айтишмаган. Шу нуқтаи назардан ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот қилиши орқали уларни ўрганади.

2. Ахборот алмашиш. Инсон мулоқот орқали маълум бир соҳага оид ахборот, хабар ва янгиликларни сұхбатдошига етказади ёки ундан қабул қилиб олади. Ўқитувчи дарс машғулотлари пайтида фанга доир маълумотларни ўқувчиларга етказади (тушунтиради). Кейинги дарсда шу маълумотларни қай даражада ўзлаштирганлигини сўраб билади. Худди шу тартибда ахборот алмашиш жараёни юз беради.

Биз амалда ахборот алмашишнинг қуидаги усууларидан фойдаланамиз:

Нутқ. Нутқ бу педагогнинг энг асосий ва кучли қуроли хисобланади. Ўқитувчи дарс жараёнида ушбу қуролдан қанчалик унумли фойдаланса, ўқувчиларнинг ўзлаштириши шунчалик самарали бўлади. Лекин, кўпчилик олдида чиройли, мазмунли ва таъсирчан гапириш осон эмас. Ҳатто фан доктори, профессор илмий унвонига эга бўлган айrim олимларнинг ўз илмий қарашларини аудитория олдида қофозга қарамасдан эркин баён эта олмаслигини ёки аксинча илмий даражага эга бўлмаган оддий ўқитувчининг катта аудитория тингловчилари олдида чиройли, таъсирчан нутқ сўзлашини кузатганимиз. Ҳаммаси инсоннинг ўз нутқини ривожлантириши ва шу мақсадда кўп машқ қилишига боғлиқ.

Инсон нутқининг қудратли кучга эга эканлигини “Аср овози” номини олган собиқ СССР нинг бош сухандони Юрий Левитан мисолида кўришимиз мумкин. 1931 йилда Левитан радиога сухандон бўлиб ишга кирмоқчи бўлганида, уни овозини эштишиб кўриб қабул қилишмаган. Лекин, у тинимсиз машқ қилиши, изланиши ва интилиши натижасида мамлакатнинг бош сухандони даражасигача кўтарилиган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Левитаннинг нутқи собиқ Иттилоқ ахолисининг немис фашистлар устидан ғалабага бўлган ишончини ошириб, душманга нисбатан нафратини уйғотган. Уни

овозини эшитганларнинг қалби жунбушга келиб, хис-туйғулари жўш урган, ҳатто айримлари кўз ёшларини тўхтата олишмаган. Шу боисдан бўлса керак маршал К.К.Рокоссовский Левитанинг овозини дивизиянинг кучига tenglashтирган. Бу эса табиийки душман тараф – Адольф Гитлерни жаҳлини чиқарган. Ўшанда А.Гитлер, “Москвани эгаллашим билан Юрий Левитанни дорга осаман”, деган. Ҳатто, унинг боши учун ўша даврда энг катта маблағ – 200 минг марка мукофот ваъда қилган.

Ўқитувчи ҳам қайсиdir маънода Левитан каби нотик бўлиши керак ёки жуда бўлмагандан шу даражага етиш учун интилиши лозим. Ана ўшанда унинг таъсир доираси кучли, машғулотлари ўкувчилар учун қизиқарли ва мароқли бўлади.

**Паралингвистик ва экстравалингвистик тизимлар.** Биз ўзаро мuloқot чоғида айrim маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатамиз ҳамда нутқий талаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш ва бошқалар орқали етказамиз. Масалан, хандон отиб кулаётган инсон нутқини ишлатмасдан, ўзининг вақти чоғ, хурсанд эканлигини шу йўл орқали билдиради. Ёки бошқа бир инсон қисқа ва тақрор йўталишлари билан атрофдагиларга ўзининг борлигини сездиради ва ўйлаб гапиришга унрайди.

Ўқитувчи ҳам машғулот пайтида диққати бўлинган, расм чизаётган, хаёл суриб ўтирган ёки бошқа нарса билан чалғиган ўкувчини ўзига қаратиш учун турли новербал воситалардан фойдаланиши мумкин. Масалан, йўталиши, овозини баландлаши ёки аксинча пасайтириши, нутқини 30-35 сонияга тўхтатиши, парталар оралаб юриши ва хакозо. Лекин, мuloқotda бундай новербал усууллардан усталик билан, бошқаларга сездирмасдан фойдаланиш лозим. Чунки, бу диққат билан дарсни тинглаб ўтирган бошқа ўкувчиларни чалғитиши мумкин.

**Нигоҳ (кўз қарашлари).** Ўқитувчи кўз қарашлари орқали ўкувчилар билан бевосита мuloқotga киришади. У ўзининг кўз қарashi билан бир ўкувчини огохлантиrsa, иккинчи ўкувчини рағбатлантириши мумкин. Бунда асосий ролни кўз бажаради. Демак, кўз ҳам мuloқot қилиш воситаси сифатида қаралиши мумкин экан. Инсон ўзининг айrim органлари орқали руҳий ҳолатини яшириши мумкин. Масалан, ёлғондан жилмайиши, сохта табассум қилиши, хушчакча эканлигини кўрсатиш учун ёлғон гапириши ва хакозо. Лекин, унинг кўзи бундай соҳтагарчилик қила олмайди. Аксинча инсоннинг ички кечинмалари, хис-туйғулари, руҳий ҳолатини яширмасдан ошкор этувчи орган хисобланади. Шу боисдан ҳам “кўзимга қараб гапир”, “тинчликми кўзларинг маюс кўринади”, “кўзлари чақнаган”, “бир кўришда севиб қолдим”, каби иборалар ишлатилади.

Ўқитувчи хохласа-хохламаса машғулотлар жараёнида ўкувчилар билан нигоҳи тўқнаш келади. Ўкувчи устозининг нигоҳидан у нима демоқчи бўлаётганини дарҳол англаб, тушуниб олади. Шу боисдан ҳам нигоҳимиз ўзаро мuloқot чоғида ахборот алмашиш вазифасини ҳам бажаради.

**Мимика ва жестлар.** Дунёда халқаро тиллар кўп. Улар орасида жуда кенг ёйилган яна бир тил борки, уни “тана тили” деб аташади. Биз инсонларнинг имо-ишоралари, юз ифодалари, кўл ҳаракатлари ёки гавда тузилишидан унинг нима демоқчилигини, нимани хохлаётганини, нима ҳақида ўйлаётганини ёки бошқа хис-туйғуларини билиб олишимиз мумкин. Масалан, “қовоғи солик” - демак қандайдир салбий ҳолат юз берган, “ҳаракати тез” - демак қаергадир шошаяпти, “бошини ўнг ва чапга ҳаракатлантираяпти” – демак йўқ демоқда. Руҳшуносларнинг фикрича, инсонлар орасидаги мuloқot жараёнида маълумотларнинг 60% дан 80% гача қисми турли имо-ишоралар, тана ҳаракатлари орқали етказилади.

Руҳшунос Аллан Пиз ўзининг “Тана тили” китобида изланишлари, тадқиқотлари асосида инсон тана аъзоларининг ҳаракати, юз ифодаси новербал мuloқot асоси эканлиги, шахсни англаш, уни идрок этиш тана тилига боғлиқлиги, сухбатда макон ва майдонлар, шахсий майдон, кафтлар ва улар ёрдамида узатиладиган маълумотлар, кўл ва панжалар, оёқлар ва тананинг бошқа аъзолари билан боғлиқ имо-ишораларнинг маъноси ҳақидаги маълумотларни жуда усталик билан ёритиб берган.

Ўқитувчилар ҳам таълим-тарбия жараёнида ёки ўзаро мuloқot чоғида имо-ишоралардан, тана аъзоларининг ҳаракатларидан кенг фойдаланишади. Мисол учун, агар ўқитувчи ўкувчига қараб қўлини мушт қилган ҳолда бош бармоғини осмонга қаратса ўкувчи буни ўзига нисбатан устози томонидан билдирилаётган мақтov, олқиши ёки рағбат деб қабул қиласди. Аксинча, агар қўлини мушт қилган ҳолда кўрсаткич бармоғини унга қаратиб, тепага-пастга қимирлатса, ўкувчи буни

огоҳлантириш деб тушунади ва хакозо. Демак, турли имо-ишоралар ва тана ҳаракатларимиз бизни бошқалар билан мулоқот қилишимизга ёрдам беради.

3. Ҳамдардлик. Бу ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, қизиқишли, табиатларини тушуниш ва маъкуллашдир. Машхур актёр Юрий Никулин бош ролни ижро этган “Ҳамдардлар” фильмини бир эслаб кўринг-а. Ярим кечаси бегона уйга 2-қаватнинг ойнаси орқали кирган ўғри уй эгасининг бот касали борлигини билиб қолади ва ўзи ҳам шундай касалликдан азоб чекаётганлигини эслаб, бехосдан ўзаро сухбатга киришиб кетади. Ҳар иккаласининг дарди бир эканлигидан ўғрининг уйни тунаши, уй эгасининг эса ўғрини ушлаши ёки унга қаршилик қилиши эсидан чиқиб кетади.

Ҳамдардлик бу қийин жараён. Эскиларда бир гап бор, “азага борган ўз дардини айтиб йифлайди”. Бошқа бирорни дарди ва муаммосини эшитиш, унга ҳамдард бўлиш ва унга чин дилдан ёрдам бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Агар ўқувчи ўқитувчиси унга чин дилдан ҳамдардлик билдираётганлигини тушуниб етса, у хатто энг яқинларига ҳам айта олмаётган муаммолари ва саволларини шу устози билан ўртоқлашишга тайёр бўлади. Чунки, айнан шу устози уни устидан кулмаслигига, сирларини ошкор этмаслигига ва тўғри маслаҳат беришига ишонади.

Мухими, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотга киришиши чоғида юкорида санаб ўтилган усуллардан уйғунликда (комплекс) фойдалансагина унинг самараси кўзга кўринади. Шу билан бирга мулоқот чоғида ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Акс ҳолда, турли нохушлик, бир-бирини тушунмаслик, қарама-қаршилик ҳолатлари ва охир оқибат педагогик низолар келиб чиқиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Педагогика”, Ў.Аскарова. Тошкент-2008йил
  2. “Олий педагогика”, М.Очилова, Н.Очилова, Тошкент – 2008 йил
  - “Тана тили”, Аллан Пиз, F.Гулом нашриёти – 2021 йил
  - “Имо-ишоралар”, “Янги аср авлоди” нашриёти – 2016 йил
- Интернет материаллари